

«ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ УЧУН»

*Акимниязов Нурлыбай Арафатдинович*

*Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси*

**Аннотация:** мазкўр мақолада Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади. Шу замирда «Инсон қадрлари учун» ғояси бунинг яққол далили. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ ва Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга.

**Таянч сўзлар:** Конституция, фуқаролик Кодекси, қонунлар, мажбурият, манбалар, вазифалари, инсон-жамият-давлат.

«Инсон қадрлари учун» ғоясидан келиб чиқадиган, ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон-жамият-давлат" ёндашувини Конституциямизда чуқур сингдирилган. Бу амалга ошираётган барча ислохотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам бўлмоғи лозим.

Чунки, бизнинг буюк алломаларимиз бой илмий ва маънавий меросида ҳам, инсон - ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўжиза сифатида улуғланади. Инсон муносиб шароитда таълим тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунликда барқарор ривожланади.

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, ушбу тушунчалар билан боғлиқ рейтинг ва стандартларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Инсон-давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим. Ўзбекистон учун инсон қадрлари ва ҳалқ манфаати ҳамма нарсадан устундир.

Шу боис инсон қадрини юксалтириш давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 54-моддасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, ҳуқуқ ва эркинликнинг кафолати ва ҳимояси.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир.

Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Халқаро муносабатлар. Халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш (қийнашни тақиқлаш. Дискриминация. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш)

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.

Фуқаролик қонунчилиги ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади.

Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ижтимоий ҳимоя кам таъминланганлар, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ва бошқа тоифалардаги фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётӣ эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

Конституциямизнинг 58-моддасида тузум Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари асосий сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар Жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

Конституциямизнинг 19-моддасига Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар деб белгиланган.

Конституциямизнинг 31-моддасида кўра, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга ҳилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл

қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади деб кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Инсон қадрини учун» ғояси жамият ҳаётининг асоси фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тинчлиги осойишталиги ва хотиржам яшаши мамлакатимиз сиёсатининг бош бўғинига айланди. Оламшумул бу сўзлардан ҳар биримиз ибрат олиб масъулиятни ҳис этишимиз керак. Мамлакатимиз Президенти олиб бораётган сиёсатини барҳаёт ва умрбоқийлигини таъминловчи ягона маънавий куч – инсон қадрини улуғлашдир. Бу ҳаёт ҳақиқати. Зеро, одам қадрини юксак тутган сиёсат барҳаёт ва бардавомдир.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
- 1.3. Ёдгоров Х., Саидмуратов Б. Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби. Амалий қўлланма / - Тошкент: Vaktria press, 2017. 208 б.
- 1.4. Абдурахманова Н. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш билан боғлиқ суд амалиёти: муоммо ва ечими // Юрист ахборотномаси / Вестник юриста / Lawyer herald. 2019. №2. 25 б.
- 1.5. Давлятов В. Адвокатура институтини такомиллаштиришда юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2019. №3.21 -22-б.
- 1.6. Маммасиддиқов М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муоммолари. Монография. Т.: АҚХМИ, 2008. 63-б.
- 1.7. <http://Sud.uz>
- 1.8. <http://www.doingbusiness.org>
- 1.9. <https://lex.uz>
- 1.10. <https://norma.uz>
- 1.11. <https://sudyalarioliymaktabi.uz>
- 1.12. <https://kun.uz>
- 1.13. <https://public.sud.uz>